

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ: ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА АМАЛИЁТ

Солиева Муҳайё Гуламжановна,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси ўқитувчиси

For citation: Muhayo G.Soliyeva. Regional diplomacy of Uzbekistan: legal mechanisms and practices.2019, vol. 1, issue 13, pp. 111-120.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-13>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги давр халқаро сиёсий жараёнлари турли хил тенденциялар таъсири остида кечмоқда. Мазкур тенденцияларнинг аксарият ҳолларда ўзаро яқин ҳамкорлик, келишув ва сиёсий музокаралар доирасидан чиқиб, жаҳоннинг айрим минтақаларидаги тўқнашувларда муаммоларни ҳарбий воситалардан фойдаланиш йўли билан ҳал этишга уринишлар содир бўлмоқда. Бу эса ҳар бир ҳудудда ва ҳар қайси пайтда давлатлар томонидан минтақавий дипломатияга мурожаат этишни тақозо этади. Марказий Осиё минтақаси жаҳоннинг стратегик аҳамиятга молик минтақаларидан бири ҳисобланади. Мазкур минтақада содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар жаҳон сиёсий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бугунги кунда мазкур минтақада етакчи давлатларнинг манфаатлари ўзаро кесишмоқда, турли хил ноанъанавий таҳдидлар ҳам ҳамон сақланиб қолмоқда. Шундай шароитда Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақавий дипломатияни мустаҳкамлаш ва долзарб муаммоларни ўзаро биргаликда ҳал этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ўзининг сиёсий жонбозлиги ва амалий саъй-ҳаракатлари орқали минта-

қада шундай дипломатик муҳитни шакллантиришга муваффақ бўлди. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги айти фаол дипломатияси, унинг ҳуқуқий механизмлари ва тажрибаси ақс эттирилади. Хусусан, мақолада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида Конституция, Ташқи сиёсий фаолият Концепцияси, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор тамойиллар ва йўналишлар кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви, “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида Самарқанд конференцияси, “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси, “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусидаги Тошкент халқаро конференцияси, “Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция Ўзбекистон минтақавий дипломатия амалиётининг яққол ифодаси ҳисобланади.

Калит сўзлар: минтақавий дипломатия, парадипломатия, таркибий дипломатия, давлатости дипломатия, микродипломатия, кўп қиррали дипломатия, превентив дипломатия, Ҳаракатлар стратегияси, Марказий Осиё, Тошкент декларацияси.

РЕГИОНАЛЬНАЯ ДИПЛОМАТИЯ УЗБЕКИСТАНА: ПРАВОВЫЙ МЕХАНИЗМ И ПРАКТИКА

Солиева Муҳайё Гуламжановна,

Ташкентский государственный институт востоковедение,
преподаватель кафедры мировой политики и международных отношений

АННОТАЦИЯ

На текущие политические процессы в мире влияют различные тенденции. В большинстве случаев эти тенденции находятся вне досягаемости тесного сотрудничества, компромисса и политических переговоров и предпринимаются попытки разрешить военные конфликты в некоторых частях мира. Это требует региональной дипломатии в каждом регионе и в любое время. Центральная Азия является одним из стратегически важных регионов мира. Драматические перемены, про-

исходящие в этом регионе, окажут влияние и на мировую политическую жизнь. Сегодня интересы ведущих стран региона пересекаются, и остаются различные нетрадиционные угрозы. В этих условиях существует настоятельная необходимость в укреплении региональной дипломатии между государствами Центральной Азии и совместном решении насущных проблем. В связи с этим Республика Узбекистан благодаря своей политической активности и практическим усилиям смогла создать такую дипломатическую атмосферу в регионе. В этой статье будет представлена активная дипломатия Узбекистана в Центральной Азии, его правовые механизмы и опыт. В частности, в статье освещаются приоритеты и направления, определенные Конституцией, Концепцией внешнеполитической деятельности и Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве правовой основы внешней политики Узбекистана. Кроме того, консультативная встреча государств Центральной Азии, Самаркандская конференция на тему “Центральная Азия: одно прошлое и общее будущее, сотрудничество ради устойчивого развития и взаимного процветания”, “Мирный процесс, сотрудничество в области безопасности и региональное партнерство” по Афганистану, Ташкентская международная конференция “Центральная Азия в системе международных транспортных коридоров: стратегические перспективы и неиспользованные возможности”, Ташкентская конференция “Взаимосвязанность в Центральной Азии: вызовы и новые возможности”, организованная по инициативе Узбекистана является проявлением региональной дипломатической практики Узбекистана.

Ключевые слова: региональная дипломатия, парадипломатия, конститутивная дипломатия, субгосударственных дипломатия, микродипломатия, многослойная дипломатия, превентивная дипломатия, Центральная Азия, Ташкентская декларация.

REGIONAL DIPLOMACY OF UZBEKISTAN: LEGAL MECHANISMS AND PRACTICES

Muhayo G.Soliyeva,

Tashkent State Institute of Oriental Studies

Lecturer in the Department of World Politics and International Relations

ANNOTATION

The current political processes in the world are influenced by various trends. In most cases, these tendencies are out of the reach of close

cooperation, compromise and political negotiation, and attempts are being made to address military conflicts in parts of the world. This requires regional diplomacy in every region and at any time. Central Asia is one of the strategically important regions of the world. The dramatic changes taking place in this region will have an impact on the world political life as well. Today, the interests of the leading nations in the region are intersecting and various non-traditional threats remain. In these circumstances, there is an urgent need to strengthen regional diplomacy among the Central Asian states and jointly address pressing issues. In this regard, the Republic of Uzbekistan through its political vigor and practical efforts has been able to create such a diplomatic atmosphere in the region. This article will present Uzbekistan's active diplomacy in Central Asia, its legal mechanisms and experience. In particular, the article highlights the priorities and directions defined by the Constitution, the Concept of Foreign Policy Activity, and the Strategy for Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan as the legal basis of Uzbekistan's foreign policy. In addition, the Consultative meeting of the Central Asian states, the Samarkand Conference on "Central Asia: One Past and a Common Future, Cooperation for Sustainable Development and Mutual Prosperity", "Peace Process, Security Cooperation and Regional Partnership" on Afghanistan, Tashkent International Conference on "Central Asia in the International Transport Corridor System: Strategic Perspectives and Unused Opportunities", Tashkent Conference "Interconnectedness in Central Asia: Challenges and New Opportunities", organized by the initiative of Uzbekistan are manifestation of a regional diplomatic practice of Uzbekistan.

Key words and phrases: regional diplomacy, paradiplomacy, constituent diplomacy, sub-state diplomacy, microdiplomacy, multilayered diplomacy, preventive diplomacy, the Strategy of Action, Central Asia, Tashkent conference.

Минтақавий дипломатия тушунчаси геосиёсий таъсирлар кучайиб бораётган бир шароитда маълум минтақаларда ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш, келишувларга эришиш, минтақа давлатлари ўртасидаги долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун халқаро муносабатларнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Табиийки, аксарият ҳолларда геостратегик ҳудудларда жойлашган кичик давлатлар ўз ташқи сиёсатини ўзи жойлашган минтақа билан чамбарчас боғлайди. Бироқ, бу ҳолат яқка тартибда амалга ошиши мураккаб саналиб минтақавий дипломатия заруратини келтириб чиқаради. Халқаро муносабатларда минтақавий дипломатия атамасидан ташқари “парадип-

ломатия”, “таркибий дипломатия” (constituent diplomacy), “давлатости дипломатия” (sub-state diplomacy), “микродипломатия” (microdiplomacy), “кўп қиррали дипломатия” (multilayered diplomacy) сингари атамалар ҳам ишлатилади. Гарчи уларнинг маъноси ўхшаш бўлсада, улар орасидан “парадипломатия” ва “минтақавий дипломатия” атамалари долзарб ўрин эгаллайди[1]. Парадипломатия XX асрнинг 80 йилларида И.Духачек томонидан илмий муомалага киритилган. Айнан мазкур олимнинг назарий қарашлари минтақавий дипломатиянинг фундаментал асосига айланди. Унинг қайд этишича, парадипломатия минтақада жойлашган турли давлатларнинг биргаликда халқаро алоқаларни ўрнатиш воситаси ҳисобланади. Бироқ, алоҳида таъкидлаш жоизки, вақт ўтиши билан турли хил олимлар унинг ҳозирги минтақавий дипломатиядан фарқ қилувчи хусусиятларини кўрсатиб ўтишди. Хусусан, парадипломатиянинг шунга оид таърифини Санкт Петербург давлат университетининг Америка тадқиқотлари кафедраси профессори Ю.Акимов қуйидагича келтириб ўтади: “Парадипломатия турли хил ҳаракатлар стратегияси асосида хорижий акторлар билан расмий ва норасмий, доимий ва вақтинчалик алоқаларни ўрнатадиган субнационал бирликларнинг халқаро аренада намоён бўлиши ҳисобланади”[2]. Мазкур таърифнинг асосий мазмунига кўра, парадипломатияни давлатости (маҳаллий, минтақавий) органларининг халқаро алоқалардаги иштироки сифатида тушуниш мумкин. Шу жиҳатдан минтақавий дипломатия бевосита давлатларнинг минтақадаги ташқи сиёсий воситаси бўлса, парадипломатия давлатости тузилмаларининг ташқи алоқалардаги иштироки саналади. Минтақавий дипломатияни Ўзбекистон мисолида ёритишда унинг географик жойлашуви, ташқи сиёсатининг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда дипломатик механизмларини ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Жаҳонда ўзининг стратегик ўрни ва аҳамияти билан алоҳида ажралиб турадиган Марказий Осиё минтақаси жуда катта сиёсий ўзгаришларни бошидан ўтказмоқда. Марказий Осиёнинг қоқ юрагида Ўзбекистоннинг жойлашгани минтақада унинг дипломатияси кўп жиҳатдан ҳал қилувчи рол ва таъсирга эгаллигини кўрсатиб беради. Айниқса, мазкур минтақада Ўзбекистон янги раҳбариятининг сиёсий иродаси ўлароқ, минтақавий дипломатиянинг амалий жиҳатлари ривожланиб бормоқда. Бу дипломатияни қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

Минтақавий дипломатиясининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори ўз-ўзидан мамлакат Конституцияси саналади. Конституциянинг 17

моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқақоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин [3]. Мазкур модда халқаро ҳуқуқнинг дипломатик тамойилларига тўла мос тушади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини белгилаб берувчи ҳуқуқий ҳужжатлардан яна бири 2012 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тўғрисидаги” Қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонунда қайд этилишича, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, Концепцияда Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишда сиёсий-дипломатик воситалар сифатида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш йўлларини биргаликда излаш, ўзаро манфаатли бўлган минтақавий ҳамда халқаро муаммолар бўйича фикр алмашиш ва позицияларни мувофиқлаштириш, превентив дипломатия ва олдини олувчи чора-тадбирларнинг шакл ва усулларини қўллаш, Ўзбекистон миллий манфаатларини, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий ташаббусларни ишлаб чиқиш ва бошқа воситалар санаб ўтилади [4]. Дарҳақиқат, мазкур воситалар минтақада фаол дипломатия учун муҳим рол ўйнайди, бироқ Марказий Осиёда содир бўлган айрим ички ва ташқи сиёсий жараёнлар ва таъсирлар натижасида бундай воситаларни амалга оширишда бир қатор қийинчиликларни вужудга келди. Бундан ташқари, ҳозирги даврда Ўзбекистон ташқи сиёсати асосий тамойиллари ва устувор йўналишларининг айрим қисmlарини акс эттирувчи бошқа бир муҳим ҳужжат — бу Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳисобланади. Мазкур стратегиянинг бешинчи устувор йўналиши — хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишда Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил-қўшничилик қўшничилик муҳитини шакллантириш масаласига ало-

ҳида эътибор қаратилади [5]. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон дипломатияси орқали вужудга келган Марказий Осиёдаги туб ўзгаришлар Ташқи сиёсий фаолият Концепциясига керакли ўзгартириш ва тузатишлар киритиш ёки ташқи сиёсатнинг аниқ йўналишлари ва механизмлари борасида янги ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон минтақавий дипломатияси амалиёти

Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан тўпланган муаммоларни сиёсий маслаҳатлашувлар орқали ҳал қилиш ҳамда минтақа давлатларини фаол мулоқот ва ҳамкорликка чорлашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўрни алоҳида эътиборга моликдир. Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқида “Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу — ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан манфаатдор” [6]. Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар жадал тарзда ривожланиб бормоқда. Марказий Осиёда янги геосиёсий ишонч муҳити вужудга келмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида мавжуд бўлган бир қатор муаммолар борган сари камаяётгани айнан Ўзбекистоннинг бу борадаги ўрни билан чамбарчас боғлиқ. Айни шу маънода нафақат икки томонлама, балки минтақавий ва халқаро даражада бир қатор амалий ва улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви, “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида Самарқанд конференцияси, “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси, “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусидаги Тошкент халқаро конференцияси, “Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция ва бошқа минтақавий ҳамкорликнинг дипломатик механизмларини жорий этилиши сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида янада самарали имкониятларни яратиб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида-

ги Самарқанд конференциясидаги нутқида айтилган пайтда Марказий Осиёда қудратли давлатларнинг манфаатлари кесилган, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этаётганига алоҳида тўхталиб, бу ерда қандай куч устун келади — низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми, деган ҳақли саволни ўртага ташлайди. Бунинг учун Президентимиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Минтақавий иқтисодий форум ҳамда Марказий Осиё давлатлари ҳудудлари раҳбарлари (ҳокимлари) бизнес ҳамжамияти ассоциясинини ташкил этиш, транспорт-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда “яхлит хавфсизлик” тамойилига риоя қилиш, жумладан, Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларига қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда яқинлаштириш, минтақа сув ресурсларидан минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш ҳамда Марказий Осиёда маданий-гуманитар алоқалар, айтилган “халқ дипломатияси”ни энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш масалаларига алоҳида эътиборини қаратди [7]. Айтилган билдирилган ташаббусларнинг амалий ижроси босқичма-босқич тадбиқ этилмоқда. БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н.Герман Афғонистон бўйича ўтказилган Тошкент конференцияси матбуот марказида айнан Ўзбекистон ташаббуси билан қисқа вақт ичида минтақада ҳал этилиши лозим бўлган қалтис масалалар кўламини камайтириш, БМТ ушбу жараённинг ривожланишига ҳар томонлама ҳисса қўшишига тайёрлигини маълум қилди [8]. Қолаверса, 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” [9] резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон томонидан Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат лойиҳасини БМТга аъзо барча мамлакатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади. Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижасидир. ШХТ Бош Котиби В.Норов ҳужжатнинг ўзига хос аҳамияти сифатида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Ҳужжатда минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқти-

содий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва ташаббусларни БМТ Бош Ассамблеяси қўллаб-қувватлаши баён этилади. Минтақанинг асосий муаммолари бўйича Марказий Осиёдаги 5 давлатнинг умумий позицияси белгиланган. Хусусан, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, экологик муаммоларни ечиш, транспорт ва транзит тизимини ривожлантириш каби соҳаларда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилади. Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарор ва самарали ҳамкорлик учун барча зарур шарт-шароит мавжуд. Юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, агросаноат сектори ва туризм соҳасини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг реал секторига йирик хорижий инвестицияларни жалб этиш учун улкан салоҳият бор. Шу ўринда қайд этиш жоиз, ўтган бир-икки йил давомида айнан Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро савдо айланмаси 20-30 фоизга ошди. Баъзи қўшни давлатлар ўртасида эса бу кўрсаткич 70 фоизгача ўсди” [10].

Хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда минтақавий дипломатиянинг мустаҳкам калити ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бу борадаги дипломатик миссияси самарали бажарилмоқда. Марказий Осиё минтақасига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, минтақавий дипломатия стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу боисдан бизнинг фикримизча, “Марказий Осиё минтақавий дипломатиясининг стратегик асослари тўғрисида”ги Декларацияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур декларация халқаро ҳуқуқ нормалари, БМТнинг Марказий Осиёга доир махсус резолюцияси ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик шартномаларига асосланиши ўринли бўлади. Шу билан биргаликда, мазкур декларациянинг қабул қилиниши мураккаб масалаларни дипломатик усуллар ва воситалар орқали ҳал этиш ва ўзаро ишончли муносабатларни жадаллаштиришга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Paradiplomacy and political geography: The geopolitics of substate regional diplomacy - Jackson - 2018 - Geography Compass - Wiley Online Library.
2. Available at: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1111/gec3.12357>
3. Akimov Yu.G. Paradiplomatiya kak sredstvo vyrazheniya regional'noy identichnosti sub'yektov federatsiy / Upravlencheskoye konsul'tirovaniye.

[Paradiplomacy as a Means of Expressing the Regional Identity of Subjects of the Federations / Management Consulting. (In Russian) № 2 . 2016]. – С. 26.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [The Constitution of the Republic of Uzbekistan].

5. Available at: <http://constitution.uz/uz/clause/index>

6. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Аxbopотномаси 9/1 (1437) сон, 239-модда, 2012. [The Concept of Foreign Policy Activity of the Republic of Uzbekistan. Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan № 9/1 (1437), Article 239. (In Uzbek)] – Б. 12-16.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. – Т.: “Адолат”, 2017. [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan - Т.: “Justice”, 2017. (In Uzbek)] – Б. 27.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқи (Нью Йорк, 2017 йил 19 сентябрь) [Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 72nd Session of the United Nations General Assembly (New York, September 19, 2017) // Public Speech, September 189, No. 189 (6883)] // Халқ сўзи 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

9. Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. [Mirziyoyev Sh. M. Our people’s consent is the highest genius to our work. (In Uzb). – Т.: Uzbekistan, 2018.] – Б. 264-274.

10. German N. Минтақада ҳал этилиши лозим бўлган қалтис масалалар кўлами камаймоқда // Халқ сўзи 2018 йил 29 март, [The range of challenges that need to be addressed in the region is decreasing // Public speech March 61, 2018, № 61 (7019)].

11. Strengthening regional and international cooperation to ensure peace, stability and sustainable development in the Central Asian region. Resolution adopted by the General Assembly on 22 June 2018, Distr.: General 25 June 2018. A/RES/72/283.